

# Сабр ҳақида келган ҳадислардан намуналар | Тазкия дарслари (278-дарс)

**ТАЗКИЯ**  
278-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 20 апрель 1201

دَحَا أَمْ: لَأَقَمَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ لِيَصِيْبَنَّ لِنَعُ، هُنَعُ هَلَلِ يَضَرَّ يَسُوْمِ يَبَأَنَّ  
وَهُوَ، أَدَلَوُ هَلَنْوَلَعَجِي وَ، أَدْنُ هَلَنْوَلَعَجِي مُهَّنَا، يَلَأَعَتِ هَلَلَانْمُ هُغَمْسَي يَدَأُ يَلَعَرَبْصَأ  
يَنَأْحِي شَلْأَهَاوَر. «مُهَي فَاغِي وَ، مُهُ قُزْرِي كَلَدَعَم

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

**«Ўзи эшитган озорга сабр қилишда Аллоҳ таолога тенг келадиган бирор зот йўқ. Улар У Зотга тенгдош қилурлар. Улар У Зотга бола қилурлар. Шундай бўлса ҳам, У Зот уларни ризқлантирур ва афв қилур»**, дедилар».

*Икки шайх ривоят қилишган.*

Ўзига озор берганларнинг қилмишларига сабр қилиш ва уларни афв қилиб юбориш Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири экан.

مَسَقِ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ لِيَصِيْبَنَّ لِنَعُ لَأَقَمَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ يَضَرَّ يَسُوْمِ يَبَأَنَّ  
هُوَ، أَدَلَوُ هَلَنْوَلَعَجِي وَ، أَدْنُ هَلَنْوَلَعَجِي مُهَّنَا، يَلَأَعَتِ هَلَلَانْمُ هُغَمْسَي يَدَأُ يَلَعَرَبْصَأ  
يَنَأْحِي شَلْأَهَاوَر. «مُهَي فَاغِي وَ، مُهُ قُزْرِي كَلَدَعَم

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал қилган тақсимларига ўхшаш бир тақсим қилдилар. Шунда ансорлардан бир киши:**

**«Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деди.**

**Мен: «Аллоҳга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бераман», дедим-да, у зотнинг ҳузурларига бордим. Ул зот саҳобалари билан эканлар. Мен ул зотга у айтган гап ҳақида сирли равишда хабар бердим. Бу у зотга оғир ботди. Юзлари ўзгариб, жахллари чиқиб кетди. Ҳатто мен: «Ул зотга хабар бермасам бўлар экан», деб ўйладим.**

**Сўнгра у зот:**

**«Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор еб, сабр қилган эди», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

Бу ривоятда номи зикр қилинмаган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаттиқ озор берган одам Меътаб ибн Қушайр исмли мунофиқ эди.

Ушбу ҳадиси шарифнинг бошқа ривоятини ҳам ўрганиш жараёнида тўлиқроқ маълумот олсак, ажаб эмас.

يَفْ أَسَانِ هَلْ لَأُلُوسَرَ رَثَآ نِي نِي حُ مَوِي نَا كَ أَمَلْ : لَأَقُ ، هُنَّ عُهُ لَلِ لِي ضَرَّ هَلْ لَدَبَعُ نَع  
يَطْعُ أَوْ ، كَلَدَلْ ثَمَّ هُنَّ يِي عِي طَعُ أَوْ ، لَبْ إِلْ أَمَّ هُنَّ مَسْبَاحَ نَبْ عَرُقُ أَلِ يَطْعُ أَفْ ، هُنَّ مَسْقُ لَ  
هَدَّ نِ هَلْ لَأَوْ : لُجَرَ لَأَقُ فِ ، هُنَّ مَسْقُ لَ يَفِ ذِي مَوِي مَهْرَثَ أَوْ ، بَعْرُ لَ فِ أَرْشَ أَمَّ أَسَانُ أ  
لُوسَرَ نَبْحُ أَلْ هَلْ لَأَوْ « : تَلُ قَفْ : لَأَقُ ، هَلْ لَأَوْ هَجَّ وَ أَيْ فِ دِي رَأِ أَمَّ وَ ، أَيْ فِ لَدُعُ أَمَّ هُنَّ مَسْقُ لَ  
مُثْ فِرَّصَ لَأَكْ نَا كَ يَحُّ هَجَّ وَ رِيَّ عَتَفْ : لَأَقُ ، لَأَقُ أَمَّ هُنَّ تَرْبَحُ أَفْ هُنَّ تِي تَأَفْ : لَأَقُ ، هَلْ لَأَوْ  
دَقُ ، يَسُومُ هَلْ لَأَوْ مَحْرِي » : لَأَقُ مَثْ : لَأَقُ ، « هُنَّ لُوسَرُو هَلْ لَدَدُعِي مَلْ نِ لَدَدُعِي نَمَفْ » : لَأَقُ  
هُ أَوْ . أَلْ تِي دَحْ أَدَعْبَ هَلْ لَأَوْ فَرَأِ أَلْ ، مَرَجَ أَلْ : تَلُ قُ : لَأَقُ . « رَبَّ صَفِ أَدَهْ نَمَّ رَثَ كَبَّ يَ ذُو  
مَلْسُمُ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Ҳунайн куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тақсимлашда баъзи одамларни устун қўйдилар. Ул зот Акраъ ибн**

**Ҳобисга юзта туя бердилар. Уяйнага ҳам шунча бердилар. Арабларнинг ашрофларидан баъзиларига ҳам бердилар ва ўша кунни тақсимлашда уларни устун қўйдилар.**

**Шунда бир киши:**

**«Аллоҳга қасамки, бу тақсимлашда адолат қилинмади. Бунда Аллоҳнинг розилиги ирода қилинмади», деди.**

**Бас, мен: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар бераман», дедим-да, у зотнинг ҳузурларига бориб, у айтган гап ҳақида хабар бердим.**

**Ул зотнинг юзлари ўзгариб, тери бўяладиган қизил қонга ўхшаб кетди ва:**

**«Агар Аллоҳ ва Унинг Расули адолат қилмаса, ким адолат қилади?! Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин! У бундан ҳам кўпроқ озор кўриб, сабр қилган эди», дедилар.**

**Шунда мен: «Бундан кейин у зотга гап кўтариб келмайман», дедим».**

*Муслим ривоят қилган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалбларини улфат қилиш лозим бўлган кишиларга ўлжадан кўп нарса берган эдилар. Уларнинг ичида ушбу ривоятда номлари зикр қилинган Ақраъ ибн Ҳобис, Уяйна ва бошқалар бор эди. Тақсимлашдаги ҳикматни англаб етмаган Меътаб ибн Қушайр номли мунофиқ бу ишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни адолатсизликда айблашга бориб етди. Аммо ул зот ушбу тақсимлаш айна адолат эканини ва ҳалиги танқидчининг гапи озор эканини баён қилдилар. Ул зот ўзларига озор берган одамни жазолашга қодир бўлсалар ҳам сабр қилиб, уни афв этдилар.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.